1967 IV-VI нет № 79, 94, 100

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-ЙИЛ ЧИҚИШИ.
№ 78 (233).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Пролетарии всех стран, соединяй

Вечерний ТАШКЕНТ

№ 78 (233)
ГОД ИЗДАНИЯ
ЦЕНА 2 КОП.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

ВЕЧЕРНЯЯ МОСКВА

ГАЗЕТА МОСКОВСКОГО ГОРОДСКОГО КОМИТЕТА КПСС И МОССОВЕТА

КПСС МОСКВА ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА МОСКВА ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Қўшма сон ◆ 3 АПРЕЛЬ ДУШАНБА ◆ 1967 й.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

КУПМИЛЛАТЛИ АҲИЛ СОВЕ... ОИЛАСИДА ҚАРДОШ РЕСПУБЛИ... ҚАЛАР ВА ШАҲАРЛАР КУНИ, ҲАФ... ТАЛИГИ ВА ДЕКАДАЛАРИНИ УТКА... ЗИШ АЖОЙИБ АНЪАНА БУЛИБ ҚО... ДИ. БУГУН БИЗНИНГ МАРДОНА... ВОР ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ... АЗИЗ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛ... МОҚДА. БУ МЕҲМОНЛАР КУП МИЛ... ЛИОНЛИ ҚАҲРАМОН ШАҲАР — МОСКВА МЕҲНАТКАШЛАРИНИ Н... ВАКИЛЛАРИДИР.

УШБУ ГАЗЕТАЛАРНИНГ БУ... ГИ ҚУШМА СОНИ УЛУҒ ... ТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВО... ЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИК ЮБИ... ЙИГА БАҒИШЛАБ ЭРТАГА ЎЗ... КИСТОН ПОЙТАХТИДА БОШЛА... ДИГАН МОСКВА КУНЛАРИГА ... ҒИШЛАНГАН.



ТОШКЕНТДА МОСКВА КУНЛАРИ

Газетамизнинг ушбу сони босмадан чиққандан кейин орадан бир неча соат ўтгач, шаҳримиз меҳнаткашлари Москва меҳнаткашларининг вакилларини кутиб оладилар. Енгил автомашиналар турнақатор тизилишиб, қадрдон меҳмонларни Аэропортдан улар учун маҳсус ҳозирланган «Дўрмон» меҳмонхонасига элтади.

Москвалик меҳмонларимиз Тошкентда корхона ва муассасалар, қурилишлар, ўқув юртлари ва ҳилма хил ташкилотларнинг коллективлари билан учрашадилар.

4 апрель куни эрта билан Тошкент шаҳар ижроия комитетида Ўзбекистон пойтахтининг истиқболи ҳақида суҳбат бўлади. Шу куни яна Москва вакиллари Тошкент Тўқимачилик комбинати, Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводига ташриф буюрадилар, Ленин, Куйбишев ва Фрунзе район меҳнаткашлари билан учрашадилар. Кечқурун «Ўзбекфильм» киностудиясида меҳмонларимиз Совет Ўзбекистони ҳақидаги кинофильмларни томоша қиладилар.

5 апрель куни эрта билан меҳмонларимиз Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси билан танишадилар. Туш пайтида улар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва унинг янги қурилиш районларини бориб кўрадилар.

Москвалик меҳмонлар Чилонзор, Октябрь ва Киров районларининг меҳнаткашлари билан учрашиб, кечқурун Алишер Навоий номли катта академик опера ва балет театрига ташриф буюрадилар.

6 апрель куни азиз меҳмонлар Самарқандга саёҳатга чиқадилар. Сафардан қайтгач, улар Тошкент телевидиение студиясида телетомошабинлар олдида ўз таассуротларини ўртоқлашадилар.

Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг Москвага бағишланган тантанали йиғилиши 7 апрель куни кечқурун Санъат Саройида ўтказилади. Бу ерда москвалик санъат усталари катта концерт қўйиб берадилар.

АССАЛОМ, МОСКВА — УЛУҒВОР ШАҲАР!

ҲАМКОРЛИК

Тошкент меҳнаткашлари, илм-фан аҳли Она-Ватанимиз пойтахти — Москва меҳнаткашлари билан дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни кундан-кун мустаҳкамлаб боряптилар. Шаҳримизда мамлакатимиздаги бошқа шаҳарлар қатори москвалик ҳамкасбларига мурожаат қилмайдиган саноат корхоналари, илмий-тадқиқот муассасаларини учратиш қийин.

Бугун Тошкентнинг Афанасенко кўчасидаги 35-уйга ўрнашган «Сантехгазмонтаж» трести коллективининг қувончи чексиз. Бу қувонч — тошкентликлар қувончидир. Чунки, кетма-кет фойдаланишга топширилаётган уй-жойларга газ ўтказиш керак. Бунинг учун озмунча асбоб-ускуна даркор дейсизми?

Бу ерга Тошкент юк-товар станциясидан телефон қилиб, станцияга келтирилган юклар орасидан ўз контейнерларини олиб кетишни сўрашди.

Ўтган шанба куни юк-товар станциясига келиб тўхтаган платформаларда Москвадаги Автомобилсозлик заводи автомобилларни ремонт қиладиган Тошкентдаги «Север» фабрикаси номига юборган «Москвич» енгил автомашиналари учун эҳтиёт қисмлар жойланган 2 та контейнер, Тошкент моддий-техника таъминот бошқармаси номига Москвадаги турли корхоналар юборган аллюминий трубалари ортилган контейнер бор эди.

Бугун келган юклар биргина шуларгина эмас,— дейди Тошкент юк-товар станцияси товар конторасининг мудири Масуда Абдуллаева.— Булар фақат бир кунда Москвадан Тошкентга юборилган юкларгина холос. Станциянинг ишчи ва хизматчилари ўз зиммаларидаги шарафли вазифани сидқидиллик билан адо этмоқдалар. Чунки, станцияга ҳар куни бир мингга яқин контейнерлар келтирилиб, бошқа жойларга жўнатилиб турилибди.

Октябрь революциясининг шонли 50 йиллигига катта тараддуд кўрилаётган юбилей йилида икки шаҳар ўртасида қатнаётган платформалар сони тобора ортмоқда. Чунки, Москва мададкоримиз ва ҳамкоримиздир.

ТОШКЕНТ — МОСКВА — ТОШКЕНТ

Ўтган шанба ку... Тошкент темир ... вокзалининг кас... димлари 400 ... жирга олдиндан ... сотдилар. Бу... 300 киши Мо... бориш учун би... ди, — дейди бош... сир Н. Н. Попова.

Кўклам кезлар... Ватанимиз пойтах... — Москвага саёҳат... борувчилар сони ку... дан-кун кўпайиб бо... моқда. Тошкент ста... циясида шу куни Москва томонга бо... рувчи жами 700 ки... шига билет сотилди.

МОСКВАЛИК ОЛИМЛАР

Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг аъзолари турли касб мутахассисларидан ташкил толган москвалик бир группа олимлар Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг бир неча кунлик меҳмони бўлдилар.

С. Ширбе, В. Язикова, С. Симонов, А. Демин, А. Ракитский каби малакали лекторлар Тошкентнинг завод ва клубларида, қурилиш майдонларида, олий ўқув юртлари ва ташкилотларида бўлдилар. Уларнинг Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллигига ҳамда кўп миллатли мамлакатимиз халқлари дўстлигига атаб ўтказган лекция ва суҳбатларидан пойтахтимиз меҳнаткашлари ғоят мамнун бўлдилар.

АЪЛО СИФАТДА

Тошкентдаги Трактор йиғув заводига қишлоқ хўжалик машиналарини йиғишда хизмат этадиган каскад сальникларнинг навбатдаги партияси етиб келди. Бу маҳсулотларни Москвадаги 1-резина-техника буюмлари ишлаб чиқарадиган завод коллективи корхонага муттасил етказиб бериб турибди.

Шуниси қувончлики, — дейди завод партия комитетининг секретари Л. В. Арко, — москваликлар ишлаб чиқараётган буюмлар доимо аъло сифатли бўлади. Бу коллективимиз аъзоларини беҳад қувонтирмоқда. — Биз ҳам ўз навбатида москвалик дўстлардан қарздор бўлиб қолаётганимиз йўқ.

Масалан, заводимиз коллективи йил бошидан буён Москвадаги 1-техника ремонти заводига юздан ортиқ пресс формаларини жўнатди. Бу маҳсулотлар сальник ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Москвадаги 1-резина-техника буюмлари заводи биз билан бир қаторда Тошкентнинг барча қишлоқ хўж... машиналари ишлаб чиқар... хоналарини ўз маҳ... билан таъминлаб ... Пойтахтимиздаги ана корхоналарни Биринчи подшипник заводи, «Ф... заводи ва бошқа бир ... ча корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган деталлар ва асбоб... билан ўз вақтида та... турибдилар.

БУГУНГИ МОСКВА

ШАХСИЙ МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

Шонли юбилейга муносиб совға

корхоналари, қу-
и, транспорти ва
никаларида юбилей
беш йиллик иккин-
ир жадал бормоқ-
арихий тоқеа муносаба-
билан с алистик мусо-
а бошла ҳаракатини
квадагин Лихачев номли
омобиль заводи ва Ленин-
даги КПСС XXII съез-
омидаги механика завo-
коллективи кўтариб чиқ-
Корхоналарнинг меҳнат-
тари бу ажойиб ҳара-
қўшилиб, янги ре-
лар қидириб топиш
идан заммаларига аниқ
буриятлар олишди. Бу-
нинг ҳаммаси беш йил-
биринчи йили планини
ишда москвaликларга
келди.
Меркулов ҳаракa-
аликлар қалбидан
олиб, ҳамма кор-
йилди. Оммавий
ароёнида беш
ликнинг янги қаҳрамон-
ди, ишлаб чиқариш ил-
лари рўёбга чиқди.
младан, «Москабель» за-
нинг изолятори Вален-
а Бересневич пойтахтда
инчи бўлиб шахсий ҳи-
очди. Унга юбилей йи-
а қўлга киритган ҳамма
аффақиятлар ёзиб бо-
прессор» завoд и
мастерлари Юрий
ва Владимир Склярс-
бошлиқ смена аъ-

золари резервлардан оқилона фойдаланиш ва меҳнатни илмий асосида ташкил этиш эвазига ишчилар сонини кўпайтирмасдан туриб маҳсулот ишлаб чиқаришни камида 10 процент оширишга аҳд қилдилар. Ҳар икки коллектив ўз сўзининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқда:

Партия XXIII съезди делегати Александра Королева «Красная швея» фабрикасида ажойиб ташаббусни бошлаб берди. Машҳур мотористка «оз меҳнат сарфлаб кўп маҳсулот ишлаб чиқарамиз» деган шиор билан иш вақтининг ҳар бир минутини тежаш ҳаракатини бутун фабрика бўйлаб авж олдириб юборди. Дастлабки хомчўтга қараганда, фабрика бўйича тежалган вақтнчида юбилей йилида қўшимча равишда камида 20 минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш мумкин.

Пойтахтнинг Пролетар районн заводи ва корхоналарида илғор коллективлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номини олиш учун мусобақалашмоқдалар.

Кўпчилик завод ва фабрикалар, автомобиль транспорти корхоналари планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтди. Бу муҳим ишга тайёргарлик ҳамма жойда бутун фабрика бўйлаб авж олдириб юборди. Дастлабки хомчўтга қараганда, фабрика бўйича тежалган вақтнчида юбилей йилида қўшимча равишда камида 20 минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш мумкин.

Москва шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, касаба союз шаҳар совети ва ВЛКСМ Москва шаҳар комитети юбилей мусобақаси қатнашчилари учун эсдалик байроқлари ва фахрий ёрлиқлар таъсис этдилар. Бу байроқлар соҳалар бўйича мусобақада ғолиб чиққан коллективларга берилади. Ҳозир мусобақа шартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Улуғ байрам арафасида Москванинг энг илғор коллективлари доимий сақлаш учун эсдалик байроқлари оладилар.

Улуғ Октябрни муносиб кутиб олиш учун бошланган оммавий социалистик мусобақа, меҳнат аҳлининг юксак сиёсий кўтаринкилиги ўз самараларини бермоқда. Пойтахт саноати ялпи маҳсулот ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилик турлари бўйича квартал планини муддатидан илгари адо этди.

Н. СИДОРОВ.



Реконструкциядан кейин Калинин проспекти худди шундай бўлади.

И. Денисенко фотоси. АПН.

КАЛИНИН ПРОСПЕКТИ 1967 ЙИЛДА

Эски Арбат деганда москвaликлар кўз олдига тор кўчалар, пастқам уйлар келарди. 1963 йили экскаваторлар, қудратли бульдозерлар бу ерга қадам ранжида қилиб гигант бинoларга пойдевор қуриш учун йўл очиб берди, кенг кўчалар бунёд қилди. Архитектор ва лойиҳачилар иш столида Калинин проспектининг ажиб манзараси пайдо бўлди.

Бу магистрал бир километрга чўзилган.

Деярли 150 метрга бўй чўзган ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 32 қаватли биносига чиқсангиз бутун Москванинг жамолини тўйиб-тўйиб томоша қиласиз.

Проспект қиёфаси кун сайин чирой очяпти. «Октябрь» кинотеатри қиёфаси кўзга ташланиб қолди. Бино ойна, алюминий, оҳак билан обдан ишланган панеллардан бунёд қилинади. Бинонинг олдинги қисмида улкан панно бўлиб, у Вильнюс рассомлари томонидан ишланяпти.

Проспектда 25 дан ортиқ магазин, кафе, ресторан, ошхона қурилади. Уларнинг ҳар бири алоҳида, ўзига хос қиёфага эга бўлиб, айни вақтда ягона архитектура мақсадларига бўйсунган бўлади.

Сизни қаерга таклиф қилсак экан? Келинг, яхшиси кафе-мороженоега ташриф буюринг. Сезяпсизми, биринчи қаватда кофенинг ажиб ҳиди димоғингизга урадн. Шундай ўртада олтин балиқчалар солинган муъжазгина бассейн турибди, кенг пиллапоядан юриб иккинчи қаватга кўтариласиз. Бу ерда истаган хилдаги мороженоени олишингиз мумкин. Ҳу анави жойда оркестр. Майин куй садоларида рақсга тушаётган бахтиёрларни кўрасиз. Яна бир пиллапоядан очиқ айвонга чиқишингиз мумкин.

Жуда катта ойнали витрина проспектнинг жанубий қисмидаги савдо корхоналарини гўё бирлаштириб тургандай. Бу ердаги «Синтетика», «Модали кийимлар», «Гастроном», «Арбат» ресторани, косметика салонлари, сартарошхоналар қад кўтариб турибди.

Москва меҳмони бўлсангиз, албатта «Мострансагентство»га ўтинг. Чунки юкларни ташиш, контейнер ва билет олиш каби машмашалардан холи бўласиз. Бу ерда сизни Болтиқ ва Қора денгиз бўйлаб, Сахалин, Камчатка, Курил ороллари бўйлаб ажойиб саёҳатларга таклиф этишади.

Магистралнинг шимолий қисмида улкан «Россия» магазини бор. 50 мингдан ортиқ китоб тўпланган бу жой чиндан ҳам ҳақиқий маданий марказ. Магазиннинг 18 бўлими ҳар қандай инжиқ китоб шинавандасининг талабини қондиришга қодир.

Ҳозирча Калинин проспекти улкан монтаж майдони, бинокорлар армиясининг маҳорат мактабидан иборат. Улар бу ерда ҳозир эгалик қиляпти. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги — Совет давлатининг туғилган кунида проспект ўз меҳмонларини бағрига чорлайди. Минглаб чироқлар бирлашиб ягона ансамбль ташкил этади, магистралнинг гўзал қиёфасига ажиб кўркамлик бахш этади ўшанда.

А. СТОЯНОВА.



Москванинг Калинин проспектидаги уй-жой ва маъмурий бинолар қурилиши.

И. Кошельков фотоси.

МАЪРИФАТ ШАҲРИ

Меҳнаткаш Москва ҳам бутун совет халқи билан беш йилликнинг биринчи йилини бошлаб олди. Бу йил Совет Иттифоқининг 50 йиллиги муносиб меҳнат совғалари билан нишонланяпти. Ҳар бир кишининг ҳаётидаги энг муҳим масалалар ҳал қилинаётган бу йилда москвaликларнинг ягона мақсадидир.

Юбилей йилида пойтахтни реконструкция қилишни йилида яна бир янги қадам ташланади. Москванинг эртанги порталини келажаги КПСС Марказий Комитетининг сиёсий бюроси ва Совет ҳукумати томонидан тасдиқланган Москвани ривожлантириш Бош планининг техника иқтисосларида яққол кўзга ташланиб турибди. Бош планда ташкилотчилик томонидан ишлаб чиқилган бўлиб унда пойтахт кўлай яшаши, ишлаши, дам олиши учун кенг кўчириш ва дам олиш учун ҳамма шароитлар яратиб бериш назарда тутилган.

Беш йилликнинг иккинчи йилида асосий проблемани ҳал қилиш — уй-жойлар қуриш авжга эттирилади. Пойтахт 120 мингдан зиёд квартира олади.

Москва қиёфаси гўзаллашади, чегараси янги жойларга чўзилади, ва ниҳоят шаҳарнинг ёш фуқаролари янги-янги муҳташам мактабларга эга бўлади. Дарвоқе, москвaликларнинг ёш авлод қақидаги ғамхўрлиги сира кун тартибидан тушмаяпти. Утган йилиёқ Москва типовой ва эксперименталь лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг тўртинчи мастерскойи лойиҳаси бўйича пойтахтда жуда қулай уч қаватли мактаб бинолари қурилди. Улар айрим блоклардан тарқиб топган бўлиб, жуда замонавий ва кўркам, энг муҳими педагоглар талабига жавоб беради. Мактабларнинг синфхоналари кенг ва ёруғ, ўқитахона ва лабораториялар, акт зали ва спорт заллари кишининг ҳавасини келтиради. Юбилей йилида пойтахтда шундай мактаблардан яна 32 таси қад кўтаради.

Архитекторлар бу билан қаноатланиб қолмай, янада кўркам ва муҳташам мактаб бинолари лойиҳасини тузишяпти. Шундай лойиҳалардан бири — сузиш бассейни ва спорт майдончалари комплексига эга бўлган 1496 ўқувчига мўлжалланган мактаб биносидир.

Яна бир лойиҳада бутун бир мактаб шаҳарчаси бунёд этиш кўзда тутилади. Шаҳарча пойтахтнинг янги районларидан бирида қад кўтариб, 6 гектар майдонни эгаллайди. Унда кичкинтойлар учун, ўсмирлар учун ва юқори синф ўқувчилари учун алоҳида-алоҳида учта мактаб бўлади.

Москва — олий ўқув юртлари ва студентлар шаҳри. Пойтахтнинг бир қанча олий ўқув юртлари студентлари ихтиёрига 7 та янги ўқув ва лаборатория корпуслари, 2 та ётоқхона топширилади.

Авиация институти студентларига замонавий аппаратлар билан жиҳозланган 2 та янги лаборатория қуриб берилади. Химия машинасозлиги институтининг ёшлари ҳам янги корпус олишади. Темир йўл транспорти инженерлари институтининг ўқув корпусларидан биринниг биноси бир қават бўй чўзди. Бу йил эса улар сузиш бассейни ва 2 та спорт зали бўлган янги спорт корпуси олишади. Институтда кенг формали кино зал вужудга келади.

Кишилар ҳақида ғамхўрлик — жамиятнинг олий қонуни. Бу борада Москвада юзлаб касалхона ва поликлиникалар, кўпдан-кўп илмий текшириш институтлари бўлиб уларнинг олимлари ва ходимлари даволашнинг янги методларн ва касалликларнинг олдини олиш устида катта иш олиб бормоқдалар. Москва медикларига ҳам юбилей йилида янги совғалар махтал бўлиб турибди. Бу йил 25 та янги поликлиника қад кўтаради. Жумладан 2 та стамотология, 6 та болалар, 2 та аёллар консультацияси бунёдга келади. Зеленоградда шифохона шаҳарчаси қад кўтаради.

СССР Медицина Фанлар академиясининг Д. И. Ивановский номли вирусология институти тадқиқотчилари ихтиёрига янги лаборатория корпуси берилади.

Саватлар мамлакати юбилей йилини янги меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш билан бирга ўз меҳнатининг самараларига якун ясайди, она Ватанимизнинг тағин ҳам гуллаб-яшнаши йилида янги марраларни белгилаб олади.

Е. КРОХИНА.

ПОЙТАХТ ЭКРАНИ

МУХБИРИМИЗ Москва шаҳар ижроия комитетининг кинофикация бошқармаси бошлиғи Т. А. Ломасова билан учрашиб тошкентлик газетхонларга пойтахт экранлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Москва кино томошабинлари миллионлаб армияси сафида мардона Тошкент аҳолиси ҳам оз эмаслигига аминман. Шу боисдан ҳам юбилей йилида ва беш йиллида Москванинг кино тармоқлари қандай бўлишига уларнинг қизиқиши турган гап.

Бугунги кунда Москвада 109 кинотеатр бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроги кейинги ўн йил ичида бунёд этилган. Ленин шунга қарамай бу миқдор талабга жавоб бермаяпти. Ахир, ўтган йили пойтахт экранларига 215 янги бадиий фильм чиқарилганини назарда тутсак, бу миқдорнинг камлик қилиши ўз-ўзидан маълум.

Буни назарда тутиб юбилей йилида шаҳарда 11,5 минг ўринли 10 та янги кинотеатр қуришга қарор қилинди. Булар орасида Арбатдан унча узоқ бўлмаган Калинин проспектида қуриладиган «Октябрь» кинотеатри алоҳида ўрин тутади. Икки залда бир сеансниинг ўзида 3000 томошабин кино кўриши мумкин.

Москвага ташриф буюрадиган тошкентликлар «Россия» меҳмонхонасининг жилосига ҳавас билан қарашади.

Худди шу ерда «Заряддье» деган бир ярим минг ўринли кинотеатр қад кўтаради. Москвaлик бинокорлар бу кинотеатрнинг ички залларини пардозлашни биринчи майгача ниҳоясига етказмоқчилар.

Бошқа кинотеатрлар ҳақида батафсил тўхталишга эҳтиёж бўлмаса керак. Бу ўринда фақат шуни айтиш мумкинки, кинотеатрларнинг ҳаммаси жуда мукаммал киноаппаратуралар билан жиҳозланиб, уларда оддий ва кенг экранли фильмлар бемалол намойиш қилинаверади.

Яна бир янгиликдан тошкентликларни огоҳ қилмоқчимиз. «Вечерняя Москва» газетасининг ташаббуси билан кинофикация бошқармаси яқин кунларда пойтахт марказида шаҳарнинг 10 та кинотеатрига билетлар сотадиган 2 та шаҳар кассаси очмоқчи. Ўшанда «Ударник», «Художественний», «Россия», «Москва» ёки бошқа йирик кинотеатрларда томоша кўриш учун у ерга бориб юрмай шу кассалардан билет олаверадилар.

МАДАНИЯТИМИЗ НУРИ

Сергей МИХАЛКОВ,
СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ МОСКВА БЎЛИМИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ СЕКРЕТАРИ

АГАР бирон бир синчков журналист Москвадаги метро вагонларига ва трамвайларга чиқиб, йўловчилар қандай китоблар ўқиётгани билан қизиқса ва пассажирларнинг фикрини ёзиб олса эди? Бу репортажда ўқувчиларимизнинг бадиий диди нақадар юксаклиги ва мушоҳадаси нақадар кенглиги акс этган бўларди.

Китоб совет кишисининг қон-қонига сингиб кетди. Унинг маслаҳатгўйи ва дўсти бўлиб қолди. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, ўтган йили «Советский писатель» нашриёти китоб савдоси ташкилот буюртмасининг фақат учдан бирини бажаришга улгурди, холос. Совет позияси кунлари, болалар китоби ҳафталиги, совет ёзувчиларининг асарлари муҳокама қилинаётган ўқувчилар конференциялари ҳам анъанавий бўлиб қолди. Ўтган йилнинг ўзидаёқ Москва ёзувчилари маданият университетларида адабий кечаларда, завод-фабрикалар, олий ўқув юртлари ва ҳарбий муассасаларда китобхонлар билан 15 минг марта учрашдилар.

Шуниси ғоят қувончлики, Москва ишчилари ва хизматчилари қўлларига қалам олиб, назм ва насрда машқ қилмоқдалар. Пойтахтда ва Москва атрофида 35 та адабий уюшма бор. Буларнинг ҳаммаси шундан далолат беряптики, биз маданият турмушга ғоятда чуқур илдиз отиб кетган замонда яшаяпмиз. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳар бир меҳнаткаш учун маънавий хазиналар эшигини панг очиб қўйибди.

Москва консерваториялари ва филармониялари ҳамиша томошабинлар билан лиқ тўла. Кўргазмаларга одамлар дарёдек оқади. Москвада мингдан ортиқ мактаб бор. Мактаб ўқувчилари ёзувчилар билан учрашишни орзу қиладилар.

Қисқа метражли фильмлар яратилиб, уларда ёзувчиларнинг адабий портретлари яратилса бўлмайдими? Совет Иттифоқидаги ҳамма ўқувчилар «зангори экран»да севимли ёзувчиларининг сиймосини кўриб, асарларни тинглаб ҳузур қилган бўлур эдилар.

Биз ҳалқ ва замон олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис этамиз ҳамда ижодимизга ленинча партиявий нуқтаи назардан қараб аввало, совет маданиятини олға етаклайдиган ва бойитадиган асарларни қўлга қувватлашимиз керак.

ЕР ОСТИ ЙЎЛЛАРИ

Москва марказидан тўққиз томонга метрополитен станциялари 20 километрлик айланма магистраль ва станциялар ёрдамида бир-бири билан боғланган. Метрополитен ёрдамида ҳамма темир йўл ва дарё вокзаллари, парк ва стадионлар, кўргазма ва театрлар бир-бири билан боғланган. Метро поездлари Химки сув омборига ҳам боради. Маълумки, бу сув омбори атрофида москвaликлар дам олишни яхши кўрадиган оромгоҳ. Энг узун 22 километрлик Кипров — Фрунзе магистралини метрополитен поезди 27 минутда босиб ўтади.

Метрополитен бир кеча-кундузда 4 миллион йўловчига, яъни Москва аҳолисининг ундан икки қисмига хизмат кўрсатади. Метрополитенда 82 станция, 118 вестибюль, 30 километр узунликдаги ўзи юрар зинапоялар, юзлаб ёруғ ва шинам вагонлар бор.

Ҳозирги вақтда Москва метросининг узунлиги 129 километрга етди. Беш йилликнинг охиригача метро маршрутларининг узунлиги 150 километрга боради. Ҳозир «Автозавод» станциясидан «Каломен» массивигача янги линия қурилаяпти. Бу линия кейинчалик минглаб автомобилсозлар яшайдиган Волхонка посёлкасигача давом эттирилади. Москва марказида эса икки магистрал — Рига ва Калуга магистралларини бирлаштирмоқ учун қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Яқин йиллар ичида Жданов линияси шаҳар маркази билан боғланади.

С. ОҚЖИГИТОВ.

КОМПОЗИТОРЛАР — ОКТЯБРГА

ЗАМОН ТАРОНАЛАРИ

Вано МУРАДЕЛИ,
РСФСР композиторлар Союзи Москва бўлими правлениесининг раиси, РСФСР халқ артисти

ДАНИЯ ҳаётимиздаги ҳаётий энг муҳим масалалар ичида масала бор. У ҳам бўлмаданият арбоблари Октябрнинг 50 йиллиндай туҳфалар бериб олишга кетаклиги масаладир.

Иттифоқининг Катулуғ санага атаб нинг «Ҳаётчи» ва К. Молчаб «Юксак учган» ва танпарварлик ини саҳнага қўййлаймизки, ана шу саҳнада янграб, сарларга иккинчи ҳаш этади. Яқинна шу театрда В. Власовнинг ли балети мут билан қўйилди. колхоз ҳаётини этган совет кишисига анади. К. Станиславс- В. Л. Немирович- номли музикали театри ойида ренниковнинг «Зоти ёв» операсини кўрОктябрь ойида эса композитор С. Слонимскийнинг «Вирения» операсини кўрсатади. Опера гражданлар уруши даврidаги қишлоқда бўлиб ўтган воқеалардан баҳс этади. Шундан сўнг театр москвалик композитор С. Урбахнинг «Қизларжон» операсини қўяди. Унда совет ёшларининг қаҳрамонлиги мадҳ этилади. Ана шу театр ўз репертуарига И. Дунаевскийнинг «Қизил шайтонбаччалар» балетини киритганини мамнуният билан қайд қилмоқ керак.

Революцияга, гражданлар урушига, Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланишига бағишлаб, шунингдек Владимир Ильич Ленин образини яратиб, кўпгина опералар саҳналаштирилади. Кўпгина операларда совет халқининг фашизмга қарши қаҳрамонона кураши, тинчлик ва миллий озодлик учун кураш мотивлари тарона қилинади.

Кейинги даврда симфоник музика, гарчи у хореография саҳнаси учун мўлжалланмаган бўлса ҳам, балетнинг асосини ташкил этмоқда. Ишонамизки, Д. Шостаковичнинг ўн биринчи симфонияси саҳнада совет санъатининг янги галабаси бўлади.

Москва театрларида қўйилмоқчи бўлаётган оперетталарнинг кўпчилиги ҳам замонавий темага бағишланган. Яқин-яқинларгача ҳам тўю-томошаларда, байрам кунлари пойтахтимиз кўчаларида Москва ҳақидаги қўшиқлар янграрди. Биз Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида пойтахтимиз ҳақида янги-янги қўшиқлар ижод этмоқчимиз.



порт дарёчиларининг иши қизғин. гация бошланади. Биринчи кемалар рга чиқади. Ҳозир ишчилар порт ва бошқа механизмларни ремонт Кемалар лангар ташлайдиган ни. Юк теплоходлари туширилмоқдалардан қиш вақтида омборларда фойдаланилган эди. Бу ускуналар Москва саноат корхоналарида тайёрланган машиналар бўш трюмларга жойлаштирилади. Порт хизматчилари юбилей йилида планга қўшимча минглаб тонна юкларни ташиш мажбуриятини олишган.

Суратда: Жанубий порт лангарларида.

Г. Корабальников фотоси.



Янги «МИ — 8» вертолёти Москва вертолёт станциясида.

Г. Корабальников фотоси.

МОСКВА—ТОШКЕНТГА



ЗИЛЗИЛА бўлгани ҳамона бутун мамлакат Тошкентдаги табиий офатдан хабардор бўлди. Болтиқ бўйи ва Кавказдан, Молдавия ва Узоқ Шарқдан, бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан зилзила оқибатини тугатишга тайёр эканликлари тўғрисида Тошкентга хатлар кела бошлади. Ишчилар, инженерлар, врачлар, турли касб эгалари, Москва, Ленинград, барча қардош республикаларда янги Тошкентни тиклашда қатнашиш учун ўз ташкилотларига илтимоснома ёздилар.

Бир неча кундан сўнг Узоқ Шарқнинг Иман уйсозлик комбинати ва Бикин ёғочсозлик заводидан ишчилар Тошкентга иккита йигма уй юборишди. Шу пайтда Россия Федерацияси, Украина, Молдавия, Грузия ва барча иттифоқдош республикалардан қурилиш поездлари Тошкент томон йўл олди.

Москвалиқлар Тошкентда «Главмосстрой»нинг махсус бошқармасини ташкил қилишди. Улар ўтган йилдаёқ тошкентликларга 35 минг квадрат метр уй-жой қуриб беришди. Москвалиқлар Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллик юбилейини меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишга баланд руҳ билан киришдилар. Улар Ўзбекистон пойтахти аҳолисига иккита кўп қаватли уй квартираларни калитини топширишди. Бу йил москвалиқлар шарафимизда ҳаммаси бўлиб 100 085 квадрат метр майдондан иборат кўп қаватли пишиқ ва гўзал бинолар қуриб берадилар.

Москва уйларининг квартаплари тобора қад кўтармоқда. Ўзбекистон пойтахти гўзал тусга кирмоқда. Қадрдонларимиз уйларни мамлакатимиз халқларининг лекинча дўстлиги сингари абадий қад кўтариб туради.



● ● ●

Ҳали уй тайёр бўлганича йўқ. Пардоз ишлари эса давом этмоқда. Шу билан бирга пайвандчиларнинг яшил учқунлари ҳам нур тараткоқда. Электромонтажчилар телевизион антенналарни ўрнатишмоқда.

Орадан бир неча кун ўтгач, бу уйда хонадонларнинг қаҳқаҳаси янграйди. Янги уйга кўчиб кирган кишилар ҳеч қандай ташвиш тортмайдилар. Улар дарҳол чироқни ёқиб радиоприёмник, телевизорларни қўйиб юборадилар, ғаз плитада таом тайёрлаб, иссиқ ваннада масза қилиб ювинишлари мумкин. Москвалиқлар қурган уйнинг ҳеч қандай камчилиги бўлмайди.

● ● ●

ДЎСТЛИГИМИЗ РАМЗИ

Чилонзордаги катта қурилиш массиви д и Москва, Украина, Сибир, Қирғизистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжондан келган бинокорлар қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишмоқда.

Мен Москва атрофидаги ўрмонларда қўзиқоринлар қандай чиқишини яхши биламан. Энди Чилонзорда ҳам янги бинолар кўзиқорин каби қад кўтармоқда. Кўз олдимизда шаҳар қиёфаси ўзгармоқда...

Биз қураётган янги Тошкент бепоён мамлакатимиздаги барча халқларнинг дўстлик рамзи бўлиб қолади.

А. МИТЯЕВ.
«Главмосстрой» 179-қурилиш участкаси касаба союз комитетининг раиси.

Забардаст сахий қўллар

«Главмосстрой» бинокорлари Тошкентда 230 минг квадрат метр уй-жой, 5120 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 1960 болага мўлжалланган богча ва ясли, савдо маркази қуришга қарор қилганлар. Уларнинг сўзи қатъий, иродалари кучли. Юзлаб оилалар ҳозирданоқ москвалиқлар қўлидан чиққан янги уйларга кўчиб киришди.



«Мосэлектромонтаж»нинг энг яхши монтажчиларидан бири ўртоқ Сазонов.

Йил бошидан буён улар тошкентликларга 200 квартиранинг калитини топширдилар. Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллигини меҳнатда тўёналар билан кутиб олишга аҳд қилганлар.

Суратларда: (ўнгдан юқоридан пастга) пайвандчи Фарафонов қурилишларда 18 йилдан буён ишлайди.

Ғишт терувчилар звено бошлиги Флюгиннинг ғайрати зўр. Улар бирор дақиқа ҳам ишни тўхтатмаслик учун ҳаракат қилишади.

Арматурачилар Егоров (чапда) ва Чиненниковларнинг иши қизғин.

Кенг айвонлар тошкентликларга иссиқ кунларда жуда қўл келади.







Меҳнат совғамиз

[«Главмосстрой» бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари И. САЗОНОВ билан суҳбат].

Ҳар бир ишда ўртоқларнинг, дўстларнинг ёрдамисиз муваффақиятга эришиш қийин. Москва бинокорларининг Тошкентдаги беш минг кишилик коллективи ҳамиша Тошкентда ўз дўстларининг ёрдам қўлини сезади. Тўқимачилик комбинати шундай дўстлардан бири ҳисобланади. Комбинатнинг фабрикалари бошқармамиз қурувчиларини оталиққа олишган. Айниқса, комбинат партия комитетининг секретари А. Пивкина билан комсомол комитетининг секретари Л. Кондухова, «Текстильщик» Маданият саройининг директори Ю. Супаницкая бунга катта эътибор берадилар.

Биргаликда лекция ўтказиш, бинокорлар билан тўқувчиларнинг учрашуви, фабрика ва шаҳарни томоша қилиш, биргаликда дам олиш кечалари ўтказиш сингари кўпгина тадбирлар одат тусига кириб қолди.

Киров номли маданият ва истироҳат боғининг ходимлари ҳам бизга катта эътибор беришади. Бу боғ бадиий ҳаваскорлик коллективи тез-тез москвалик бинокорларнинг меҳмони бўлиб туради. Парк дирекцияси дам олиш кечалари ўтказиб, ўз паркининг нубоги учун спорт мусобақалари уюштиради.

Низомий номли Давлат педагогика институти ҳам қурувчиларимизни оталиққа олишган. Институт ўқитувчи ва профессорлари тез-тез қурилиш майдонларида лекция ўқиб, суҳбат ўтказадилар, ажойиб учрашувларни ташкил қиладилар.

Бизнинг уй-жой шаҳарчаларимизни бадиий безашда, қурилиш майдонларимизни тартибга солишда «Рассом» жамияти катта ёрдам бермоқда.

Биз бинокорларимизни оталиққа олган барча ташкилотлардан миннатдормиз. Ўз навбатида биз, москвалиқлар уларнинг ғамхўрлигига ўз меҳнат совғамиз билан жавоб бермоқдамиз.

БИЗ ЭККАН КЎЧАТЛАР

Одатдаги иш кунларидан бири. Мен трамвайда ишга шошилар эканман, икки дўстнинг гапи қулоққа чалинди: «Янги квартира олдим. Ажойиб уй! Қулай, ёруғ хоналар. Москвалиқлар қурибди». Қалбим қувончга тўлди. Иложи борича шундай квартираларни кўпроқ қуриб, одамларга қувонч бахш этмоқчиман.

Москвадан келганимга ярим йилдан кўпроқ бўлди. Биз бу ерга пойтахт қурилишида ёнма-ён туриб ишлаган касбдошларимиз билан бирга келганмиз. Уларнинг ҳаммаси ўз ишига берилган кишилар, улар ниҳоят кўтаринки руҳ ва ғайрат билан янги Тошкентни барпо этишмоқда.

Биз пардозловчи бўлиб ишлаймиз. Тўғрисини айтсам, ишимиз анча енгиқ. Уйни қуриш билан иш битмайди. Шундай қилиш керакки, ҳар бир янги уйга кўчиб келган хонадон ўзига яратилган қулайликлардан миннатдор бўлсин.

Бинокорлар пардозлаш ишларига жуда катта аҳамият беришади. Чилонзорнинг 16-кварталида Тошкент уйсозлик комбинати йирик фанелли уйлар қурмоқда. Кунлардан бирида биз улар ёнига бориб, дўстларимиз пардоз ишларини қандай қилаётганликларини суруштирдик. Улардан анча кўп тажриба ўргандик, ўз тажрибамизни ўртоқлашдик. Ўшандан буён дўстлигимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу дўстлик бизга ҳам, тошкентлик қурувчиларга ҳам икки корпусни муддатидан илгари топшириш имконитини яратди.

Кунлардан бирида бригадамиз аъзолари тўпланиб, ҳар бир ишчи тошкентликлар учун биттадан кўчат ўтказишга қарор қилди. Эндиликда япроқ чиқарган кўчатлар бизнинг меҳнатимиздан далолат бериб турибди.

... Трамвай вагонидан қатор кетган уйлар кўринади. Бу уйларни таклашда ўз меҳнатим билан ҳисса қўшганим учун мен ўзимни бахтиёр деб биламан.

В. ИВАНОВ,
сувоқчи.



Бу уйнинг режаси бундан бир ой муқаддам тузилган эди. Ҳозир биринчи қаватнинг ярим девори тикланди. Иш суръати яхши, москвалиқлар жадал суръатлар билан ишламоқда.

ҲАШИША САФДА

Икки одам, икки ўртоқ ўз касби билан бир-бирига жуда ўхшайдию, аммо ташқи кўринишн мутлақо бошқача. Улар орасида жуда катта ўхшашлик бор. Иккаласи ҳам коммунист, ҳар иккаласи электрик касбини эгаллашган, меҳнатда бошқаларга намуна кўрсатишади.

Улардан бири Юрий Мальков, иккинчиси Александр Шубиндир. Ҳар иккаласи ҳам зарур бўлганда электр тармоқларини тузатгани йўл олишади.

Катта қурилишда турли ҳодисалар бўлиб туради. Гоҳ бирор ерда кабель узилади, гоҳ тормоқ ишдан чиқади, баъзан авария рўй беради. Истаган вақтда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам чақирилган жойга бориш учун Мальков билан Шубин ҳамиша тайёр туришади.

Александр Шубин олти ой муддат билан Тошкентга келган. Муддати ўтиши билан Москвага кетмай, бошқа ҳамшаҳарлари қатори Тошкентда қолди. Эндиликда бошқалар олдида ўзини ҳақиқий тошкентлик ҳисоблайди. Шерикларини саёҳатга олиб бориш, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш унинг қўлидан келади.

М. РОГОВА,
«Главмосстрой»га қарашли 19— ЖКК мураббияси.



Булар С. Витохин бошқараётган комплекс бригадада ишлашади. «Главмосстрой»нинг 177-бошқармасига қарашли бу коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги кунигача 180 квартирали уйни муддатидан илгари қуриб бериш мажбуриятини олишган.
СУРАТДА: (чапдан) С. Чудов, В. Распертов, В. Тарабаева, П. Бацион ва В. Антонов ўртоқлар.

ИНСОН

МОСКВАЛИКЛАР биринчилар қатори жасорат шаҳарига ёрдам қўлини чўзишди. Чилонзорда ўтган йилнинг июль ойидаёқ москвалик бинокорлар қурган биринчи уйни тошкентликлар яхши билишади. У ёдгорлик уйга аллақачон одамлар кўчиб киришган.

Сўнгра яна 18 та уй қурилди. Бу уйларнинг 1310 квартираси янги хонадонларни қабул қилди. Москвалиқлар юбилей йилида қураётган Чилонзордаги йигирма олтинчи квартал янги микрорайон сифатида гавдаланади. У ерда 50 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой, мактаб, иккита болалар боғчаси ва савдо маркази барпо этилиши керак.

Чилонзорда ҳали иш жуда кўп, аммо москваликларнинг асосий «қурилиш фронти» ҳозир бу ерга кўчган. Улар муваффақиятли равишда яланг ерларга ҳужум қилиб, катта-катта биноларни тиклашмоқда. Тошкент марказида, зилзила ўта кўп сезилган жойда қурилиш фронти кенг қулоч ёзмоқда.

Агар Гоголь кўчаси бўйлаб Энгельс кўчаси томон юрилса, у ерда қурилаётган баланд иморатлар кўзга чалинади.

У бино «Главмосстрой» составидаги коллективлардан бири — 179-қурилиш участкаси коллективи томонидан тиклаяпмоқда. У уйга 13-рақами қўйилган.

— Бу рақамлик уй бизнинг қатъий назоратимиз остида,— дейди «Главмосстрой»нинг Тошкентдаги капитал қурилишлар бошқармаси ходими, ёш инженер Мухтор Муродов.— Бунинг сабаби шундаки, бизнинг Ц-2 кварталидаги тайёр объектларимизнинг ҳисоби шу бино билан очилади.

Агар 40 квартирали бинонинг биринчи қавати тугалланиш олдида турганлигини ҳисобга олинса, бу муддатнинг аниқлигига шубҳа қолмайди. Ю. Прокофьев бошлиқ ғишт терувчилар бригадаси иш муддатини қисқартишга ҳаракат қилишмоқда. Уларни Тошкент маркази қурилишларининг пешқадамлари дейиш мумкин. Бундай пешқадамлар сафига монтажчи Н. Храмушин, дурадгор Б. Матусьян, ғишт терувчи Н. Рязанцев сингари кўпгина бинокорларни киритиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси 13 рақами қўйилган тўрт қаватли бино корпусини Октябрь революциясининг 50 йиллигига совға қилишмоқчи.

Ц-2 кварталини қуриш топширилган участка коллективи кун сайин ўз ишларини кенгайтирмоқда. Унинг ёнида 12-квартал қад кўтармоқда. Бу квартал қурилишида В. Конобеев бригадаси аъзолари бошқаларга намуна бўлишмоқда. Шунингдек 15-ва 16-корпусларда қурилишнинг асосий цикли бошланди.

Чилонзордан шаҳар марказига пойтахт қурувчилар отряди бутунлай кўчиб келадиган кун узоқ эмас. Чилонзордаги сингари Ц-1 ва Ц-2 микрорайонларида ҳам сариқ рангга бўялган минора кранларининг баҳайбат қўллари чўзилади. Бу ерга «Главмосстрой» бошқармаси ихтиёридаги бақувват қурилиш техникаси келтирилади. Бунинг учун ишлаб чиқариш базаси барпо этилмоқда.

«Главмосстрой» капитал қурилиш ишлари бошқармасининг Тошкентдаги бошлиғи Георгий Аветович Арутчянинг кабинетида Москва кварталларининг асосий плани туширилган харита турибди. Георгий Аветовичнинг ўзи кўп умрини қурилиш майдонларида ўтказган. У Волгоградда немис-фашист босқинчилари ҳайдалиши билан қаҳрамон шаҳарни тиклагани борган. Москва шаҳрининг йўлдоши — Зеленоградни қуришда бошчилик қилган. Ниҳоят у ўз кўп йиллик тажриба с и н и Тошкентга олиб келди. Тошкентда у меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советининг асосий буюртмачи вакили ҳисобланади. Молия, қурилишни лойиҳалаш, бинокорларни лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлаш ишларини бошқариб, қурилиш сифатини назорат қилади. Москва шаҳар Совети Тошкент шаҳрини тиклашга 80 миллион сўм ажратди. Г. А. Арутчян ва унинг кичкина аппарати шу катта маблағнинг тежамкорлик б и л а н сарфланиши учун жон куйдиради.

— Бизнинг лойиҳачиларимиз жуда катта ишларни бажаришди,— дейди Георгий Аветович.

— Марказий микрорайонларда комплекс қурилишнинг энг янги принципларига амал қилинмоқда.

Иккита марказий микрорайоннинг асосий плани очилган китобга ўхшайди. Унинг ўнг томонида Ц-2 квартали жойлашган бўлиб, у Пушкин, Биринчи Май, Горький ва Совет кўчаларидан кириш учун мослаштирилган. Китобнинг чап томонида эса, Пушкин, Биринчи Май, А. Толстой ва Горький кўчалари билан улашадиган иккинчи квартал тасвирланган.

Микрорайоннинг умумий ҳажми 84,5 гектар майдонни ўз ичига олади. Бу ерда тошкентликлар учун 150 минг квадрат метр уй-жой қурилади. Асосан 40, 56 ва 72 квартиралик секциядан иборат бўлган тўрт қаватли уй-жойлар қад кўтаради. Корпуслар ўз қулайлиги ва кўркамлиги билан бир-биридан ажралиб туради. Бундай уйлар кучли зилзилага ҳам бардош беради.

Марказий микрорайонларда савдо маркази, «Болалар дунёси» магазини, пойафзал, кийим-кечак магазинлари ва бошқа кўпгина савдо муассасалари билан бирга мактаблар, болалар боғчалари қуриш кўзда тутилган.

Орадан икки йил ўтиши билан Москва кварталлари, тошкентликлар кўз олдида бутун салобати билан намоён бўлади. Бу шаҳарларимизнинг биродарлиги, буюк дўстликнинг рамзи сифатида ифодаланади.

А. И. ХАЗИЕВ.

ОФАТДАН КУЧЛИ

Буюк пойтахтимиз мадҳи

ОЙБЕК

ЛЕНИН МАВЗОЛЕЙИДА

Бу мавзу бир абадий илҳом...
Бу оламнинг шон, ифтиҳори.
Қуёш яшар ишқида мудом,
Тарих қалбин сўнмас мадори.

Ленин ётар, кўзлари юмуқ,
Тун билмаган қуёш сингари
Ҳаётимиз у билан тўлиқ.
Сиймосида йўқ ўлим гарди.

Юз асрлик қора куч қўлин
Қайриган қўл энди кўксида,
Большевиклар улуғ сардори
Зафарларнинг қучгандир йўлин.

Мавзолейда, Қизил майдонда
Ётар сокин. Бутун мамлакат,
Бутун халқлар юрагида у,
Қуршар уни буюк муҳаббат.

Буюкларнинг энг буюги у.
Бир киприги, ё бир қараши
Маъносин қай тил қилар баён
Шундай чексиз фикр даласи...

Тарихлару, ҳаёт, коннот
Қонунлари бошида равшан
Бари қурол унга: болга ҳам
Урок бўлсин бахтиёр пайванд.

Ленин шундай содда, суюмли,
Ҳурури ҳам халқона гўзал
Меҳқон тинглаб, бола эркалаб,
Асрларнинг ишин қилган ҳал.

Асми баҳор сингари келди
Кўк титратган қадироқларда.
Халқ уйига кирди қуёшдай,
Ҳаллалари ол шафақларда...

Ўчаларни очар кўкламга,
Ўчаларни мактабга ундар.
Ўчун жангга, янги рўзроқ-чун
Катталарни курашга йўллар...

Синфларнинг кураш олови
Нева бўйлаб гирдобланаркан,
Янги тўлқин олди Ому ҳам
Жаҳон очган қўл ҳамласидан.

Босириқдай тундан шарқни у
Етаклади ҳаётга кушод.
Шарқ кўксидан кўҳна аламлар
Қатқалоғин отди умрбод.

Миноралар тош қотди — соқов,
Кўк саробин кемирган кўзлар
Ер ҳикмати, ишқи, чиройи
Қувончи-ла лиммо-лим тўлар.

Ернинг ўғли жаҳон ташвиши
Билан яшнаб курашди мудом:
Ер юзида бутун асрлар
Ишкалини қилсин саранжом!

Қитъаларнинг уфқларида
Номи учар — кўклам муждаси
Бу ном билан умидга тўлар
Миллион-миллион қуллар ҳужраси.

Қондан, тердан семирган барча
Жаҳонгирлар, бўрилар учун
Ленин сўзи бало, ҳалокат!
Жаллодларни тортмоқда ўпқун.

Иши, сўзи ўлмас!
Эрк, ҳаёт —
Илдизидир улар жаҳонда,
Капитални зир қақшатувчи
Зафарга ёр байроқ майдонда.

Янги мавжлар берур муттасил,
Унинг қалби ҳаётимизда.
Янги жаҳон махракидир у,
Ҳар зафарнинг у байроғида.

Ленин ақлин улуғ партия
Кучи этган юрагида жо.
Халқимизнинг қўлида байроқ,
Баланд, баланд, баланд доимо.

М О С К В А

Ҳамид ОЛИМЖОН

Буюк пойтахтга кириб бораман,
Уйғоқ кўзларимда эрир совуқ тун,
Қуёш ва юлдуздан яралган олам
Зеҳним, ҳаёлимни этмишдир мафтун.

Кўксимга сиғмасдан талпинар қалбим,
Кириб бормоқдаман кўзни олмасдан,
Ҳирсимни қайнатган бу юлдузларким,
Кўзимга урилар бири қолмасдан.

Чанқаб тикиламан — таним, жоним кўз,
Пойтахт чироғи ёнар қаршим,
Кремль бошида ёнувчи юлдуз,
Чарақлаб порлайди менинг аршимда.

Мен билан биргадир, дўстлар, ҳамроҳлар,
Бу чирой ёритар барчанинг қалбин,
Бу ерда учрашар жуда кўп йўллар,
Бу ерда дўст бўлар узоқ ва яқин.

Жаннат ўлкасини яратган инсон,
Ошиқлар умрида энг бахтли дамга.
Чегарадан келар қўриқчи, посбон,
Тарихда энг буюк оддий одамга.

Ҳамма ёқ интилар Москвага қараб,
Шу ердан қон олар қалбига ҳаёт,
Шу қуёш ўнгида айланар дунё,
Шу ердан бошланар бутун коинот,

Буюк пойтахтга кириб бораман,
Қайноқ кўзларимда эрир совуқ тун,
Қуёш ва юлдуздан яралган олам
Зеҳним, ҳаёлимни этмишдир мафтун.

М О С К В А М И З

Ғафур ҒУЛОМ

Улуғ Москвамиз — она бешиги,
Айниқса, баланддир бизларга қадринг,
Сен очдинг бизларга бахтнинг эшигин,
Бу толе умрлар мазмунига тенг.

Қувонар оталар ўғил кўрганда,
— Наслимнинг жавҳари, қўлда асом, деб.
Ўғиллар буюртдинг озод Ватанда,
Ҳар бири оламга бир зийнату зеб.

Тарихнинг ёдида қирқ биринчи йил,
Ноябрь ойининг олтинчи куни.
Олий Бош Қўмондон буйруғи билан,
Фашистнинг тўзғиди кўкка тутуни.

Шунда олға сафда биз комсомоллар,
Дарвозанг қўриқлаб, қон ва жон бердик.
Гарчанд ҳалок бўлдик, дорга осилдик,
— Яшасин Москва!— Ватаним —дердик.

Асл ўғилларнинг бебаҳо ҳоки,
Муқаддас девордан эгаллайди жой.
Кимки сени деса ғолиб Москвам,
Бошига солади соясин Хумой.

Кремль куранти чалади гимн,
Ғурурли кўкракка қуяди оҳанг.
Фашизм устига юрган байроқлар
Ҳамиша кўчирди юлдузингдан ранг.

Қизил майдон аро ухлаган зотнинг
Орзусин оклашга туғилганлармиз,
Улуғ ленинизм таълимоти-ла
Жони ва виждони йўғрулганлармиз.

Москвам гўзалсан, поксан жонажон,
Сенда Зояларнинг ўлмас ҳусни бор,
Садоқат фарзанднинг айни бурчидир.
Сидқимиз она сут каби беғубор.

Не бахтдир МГУнинг кафедрасида
Шогирдлик курсиси узра ўлтириш.
Не бахтдир бу илму маърифат билан
Тошкентни Москвача қайтадан қуриш.

Оёғинг толмасдан чиқсанг Памирга,
Ё Манок қишлоққа айласанг сафар.
Ҳамиша рўбарў, ёндош, нафасдош,
Говорит Москва — Москва сўйлар!

Одамлар ишончи, озодлар юрти,
Мазлумлар умиди, дўстлар таянчи.
Мағрибнинг қопқаси, машриқнинг кўзи,
Жанубнинг қуёши, шимол қувончи...

Саккиз юз йилдирки, шонли байроғинг
Ғалаба чўққиси узра намоён.
Қуёшдай барқарор абадул абад
Яшайсан, тоинки тургунча жаҳон.

Қутлуғ кун тонгида бахтиёр халқлар
Қатори фарзандинг ўзбекдан салом!
Нақадар яқинсан, нақадар мушфиқ,
Нечоғлик жонажон хулласи калом.

МИРТЕМИР

АСКАРДАЙ

(МОСКВА — ТОШКЕНТ)

Менга ҳаёт китобини варақ-варақ ўқитиб,
Менинг кетар йўлларимга машъаллар тутиб
Мени бир аскардай ботирликка ўргатган
Менга йўл кўрсатган,
Ҳам юшмоқ, ҳам жиддий,
Ҳам яқин биродар,
Ҳам содда ва оддий
Бир падар!—
Тарбиячим, бошлиғим, туриб қаршингда,
Онт этаман, қўл кўтариб, яланг бошим-ла...
Онт этаман: ўгитларинг эсимда турар,
Шоир ўз жабҳасида содиқ аскар бўлур!

Хайр Москва! Улуғ шаҳар, шонли пойтахт!
Кўзим очиқ... бағишладинг янги илҳом, бахт...
Аллалаб бешигингда, бердинг ҳаёт сутини —
Сатрларимга ёндириб илҳом ўтини,
Мен ўша саҳролардан бир-бир ўтаман,
Пахта жумҳуриятига тўғри кетаман.
Онт этаман,
Аскардай қаршингда туриб,
Ҳар на деган бўлсанг, жавобимдир: хўб!
Хайр, қўл бер. Зўр, иншоот, канал қирғоқлари,
Ёз кунлари ёд этганим ўрмон қучоқлари,
Юлдузларнинг рақсига саҳна бўлган дарёлар,
Юрагига меҳнатимиз раҳна солган қоялар...
Аҳд этаман қаршингизда аскардай туриб,
Ҳарна деган бўлсангиз, жавобимдир: хўб!..

Кеча бўлган тасодифдай кўз нуримда саф тортур,
Даста-даста, ранго-ранг ёз лавҳалари...
Билмайманки, борган сари кўрмак орзуси ортур,
Оқ мармар қирлар ўрнида баҳор воҳалари...

Оқ мармар тепалар, оқ мармар кенглик,
Ҳар ён оқ кумуш қор остида каби...
Асримнинг айғир оти — паровоз чопадир тик,
Оқ тутунлар ортида ярқирар осмон қалби.

Осмон — зумрад қубба жуда ғуборсиз,
Ўртасида тўлик ой, осилган қандил янглиғ...
Еллар ҳар қадамда ўйинга тушур орсиз.
Қуюн, қор ўйинлари; шўх бормикан ел янглиғ?

Ҳар нима табассумда, рақс этади оқ дала,
Ҳаммаси бахтиёрдай, бари кулиб туради...
Дам-бадам типирлайман гўёки шўх — ёш бола,
Юрагимда ғуборсиз умидлар барқ уради...

Оқ қорлар ўртасидан бўй кўрсатди шаҳар,
Тошкент!
Қўлларингни сиқиб тутаман,
Ҳам туриб қаршингда мисоли аскар,
Онт этаман:
Сатрларимда ёндириб илҳом ўтини,
Бузиб одамлар сукутини,
Ҳали Чирчиқстройдан илҳом сўрай олмаган,
Ҳатто, унинг дарвозаси олдига бормаган —
Соз тутган, вале чолмаган созчиларга боқиб,
Шеърда бир лирик куй, лирик оҳангда оқиб:
Волгострой донгини кўтариб бошимга,
Юртимга,
Соз тутган бутун қардошимга
Кўрсатаман, кўрсатаман, кўрсатаман!

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг
редактори С. М. КАРОМАТОВ.
«Вечерняя Москва» газетасининг
редактори С. Д. ИНДУРСКИЙ.

Бу тўрт полотно РСФСР халқ рассоми **Ю. И. ПИМЕНОВНИНГ «ЯНГИ КВАРТАЛЛАР»** сериясидаги асарлардандир. Бу асар муаллифи СССР Рассомлар Союзи ва СССР бадиий академияси томонидан 1967 йил учун Ленин мукофоти номзодлигига тавсия қилинган. (Чапдан ўнгга) **«ЯНГИ НОМЕРЛАР», «ЭРТАГА БЎЛАДИГАН ЎЧАДА ТЎЙ», «КЕЛИН», «ОШИҚ ...Н ТОМОШАБИНЛАР».**

ТАСС фотохроникаси.



Р Е К Л А М А В А Э Ъ Л О Н Л А Р

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

3 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 М. Ашрафий. Тожик рақс сюитаси.
18.30 **Халқ талантлари концерти.**
19.20 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча.)
20.00 «Дала ишлари кундалари» деган комментарий (русча).
20.10 «Хайрли кеч». Молдавия радиосининг музикали эшиттириши.
20.45 **«Шаҳарнинг қишлоқ-ҳиқоями»** деган эшиттириш (русча).
21.00 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
21.20 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).
22.00 **Қўшиқлар ва рақслар.**
22.30 Севимли ёзувчилар радиостанциясининг тубхонаси. А. Қаҳҳор ҳикоялари (ўзбекча).
23.00 **Беш йиллик илғорлари концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 **Шу куннинг қўшиқлари** (ўзбекча).
19.30 «Поэзия кечаси». Москва шоирлари — меҳмонимиз (русча).
20.10 Ўзбекистон композиторларининг романслари.
20.45 «Медицина ҳамма учун» (русча).
21.00 Қ. Маҳсумовнинг **«Онажонимиз»** деган ҳикояси (тожикча).
21.20 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.

4 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 **Маъруф Қорнев шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар.**
9.30 Енгил куйлар.
9.45 **«Ўртоқлик судлари — тарбия мактаби»** деган суҳбат (тожикча).
10.10 Рус халқ хорлари куйлайди.
10.30 **Ўзбек халқ куйлари.**
11.10 «Ишчилар сулоласи» деган эшиттириш (русча).
11.25 **Чангчи Т. Хўжамберднев чалади.**
12.15 **Спорт эшиттириши** (ўзбекча)
12.30 Ўзбекистон композиторларининг камер куйлари.
13.30 Вокаль ансамблларининг концерти.
16.10 **Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан.** Ёш композиторлардан Т. Курбонов, Ш. Шоҳимардонова, Р. Ҳамроев, З. Тўйчиевалар ижоди.
18.10 **Ленин ҳақида ҳикоялар** (ўзбекча).
18.30 **Кекса ижрочилар концерти.**
19.20 Қорақалпоқ куйлари.
20.00 «Беш кунлик иш куни» деган эшиттириш (русча).
20.10 Совет Армияси жангчилари учун концерт.
20.45 СССР Педагогика Фанлари академиясининг мухбир аъзоси С. Ражабовнинг **«Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялайлик»** деган суҳбати. Иккинчи эшиттириш (ўзбекча).
21.20 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт.**
22.00 **«Дунё воқеалари** (ўзбекча).
22.10 **Ўзбек вальслари кечаси.**
22.40 Ленин мукофоти номзодлари. М. Светлов. «Сўнгги йил шеърлари» (русча).
23.20 **Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Оперетталардан фантазиялар.
19.00 Шу куннинг ҳикоялари. Ў. Ҳошимов. **«Қишлоқнинг бир куни»** (ўзбекча).
19.30 Белорус қўшиқлари ва рақслари
20.10 Р. М. Глиэр. **«Гулсара»** увертюраси. С. Бобоев. **«Колхозда байрам»** симфоник поэмаси.
20.45 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг эшиттириши (русча).
21.00 **Тожик халқ куйлари.**
21.30 Композитор Мушель асарларидан концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Совет Иттифоқи санъат усталари куйлайди ва чалади.
17.30 Ю. Милютин. «Капалак гул» опереттасининг монтажи.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/IV да **Сарвқомат дилбарим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IV да **Жон қизлар,** 5/IV да **Ёшликда берган кўнгил.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта цирк томошалари. **Ҳиндистон филлари аттракциони.**

КИНО театрларда

3 АПРЕЛДА

Кавказ асири — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечкурун).

Ҳасан аравакаш — СОБИР РАҲИМОВ номли (кечкурун), «СПУТНИК» (кеч соат 8 да).

Фақат кўнгилсиз ҳодисалар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ФЕСТИВАЛЬ» (кечкурун).

Кеча, бугун, эртага — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда).

Тиш врачининг саргузашти — «МИР» (кечкурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
5 апрелда
ИОГАННЕС БРАМС
Программада:
1-бўлим
Тўртинчи симфония Ми минор, ижод 98
2-бўлим
Оркестр билан скрипка учун концерт Ре мажор Фенгер рақси №5
Ижрочилар:
Ўзбек Давлат филармониясининг симфоник оркестри
Дирижёр — **Зоҳид Ҳақназаров**
Солистка — Жаҳон конкурсининг лауреати **Л. Исакадзе** (Москва).
Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9 апрелда
7-10 синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи
бўйича
БЕШИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ
СССР халқларининг музика ашула ва рақслари
Лектор — музикашунос **Илёс Акбаров**
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбек Давлат филармониясининг хор капелласи ва торли квартети (капелланинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист — Абдуқаҳҳор Султонов); Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **Қундуз Миркаримова, Баҳром Мавлонов, Роҳатой Маннонова, Мукаррамма Жаҳонгирова, Зиёдулла Ҳамдамов, Анвар Рустамов, Назрулла Ёқубов; Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли;** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Карим Алиев** (гижжак), **Маҳмуд Муҳамедов** (най); IV Жаҳон фестивалнинг лауреати — **Аббос Баҳромов** (рубоб), **Қаюм Аъзамов** (чанг), **Анвар Иноқов** (рубоб), **Умар Ҳамидов** (афғон рубоби), **Ғафур Азимов** (доира).
Программани **Назрулла Ёқубов** олиб боради.
Концерт-лекция кундуз соат 12 да бошланади.
Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали кассаларида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕГРАФИГА
телеграфчилар, техниклар, алоқа монтёрлари, шу касбларга ўқитиш учун **шогирдлар**
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГОССТРАХ БОШҚАРМАСИГА
район инспекциясида ишлаш учун **страхование агентлари**
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Муқимий кўчаси, 6-а уй (9, 11, 15-трамвайлар; 2, 11-троллейбусларнинг «173-мактаб» остановкаси)

«УЗГЛАВХЛЕБ»нинг 1-НОН ЗАВОДИГА
таҳловчилар, юқчилар, уборшчицалар, торозбонлар, фактурчилар
КЕРАК
Тошкент шаҳар-61, Пролетар кўчаси, 24-уй (5-троллейбус, 3, 25-автобус, 1, 5, 12, 13, 14-автобусларнинг «Жуковский» остановкаси), кадрлар бўлимига мурожаат килинсин

Т. К. Койчуевнинг диссертация еқлаши **1967 йил 5 апрель** кундуз соат 3 га кўчирилди («Тошкент Оқшоми», 17 март сонига қаралсин).

Ташкилот, корхона ва муассасалар
ДИҚҚАТИГА!
Кўп миқдорда **тахта** ва **ёғоч** чиқиндилари бор (ўтинлик).
Банк орқали ва олдиндан пул ўтказиш тартибида сотилади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-5, Куйбишев шоссеси, 23/35-уй

Тошкент шаҳар Октябрь район Маориф бўлими, район касаба союз ташкилоти ва 1-ўрта мактаб педагогика коллективи мактаб директори М. Юсуповага отаси
Мирзаюсуф МИРЗАЁҚУБОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

...ангори" экранда

...АПРЕЛДА

...НЧИ ПРОГРАММА

...0 **Болалар учун мульт...** (Ўзбек тилида).
Рус тилида:
...Телевизион янгилик...
...8.35 **«Агапич».** Болалар ...н кинофильм.
...3.45 Совет Армияси жанг...ри учун. «Ёшлик бизни ...бошлади».
...05 **«12 стул».** Телефильм-...иккинчи серияси.
...5 Эшиттиришлар про...си.
Ўзбек тилида:
...0 Миллионлар универси... **Хозирги замонда мил...лик кураши».**
...Телевизион янгилик...
«Оламда нима гап?».
...рим аср йилномаси.
...театр. М. Иброҳи... **кун келади».**

...РОГРАММА
...илида:
...рни севасиз...атли фильм.

18.20 Ўқув эшиттиришлари программаси. Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (рус тилида).
19.30 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.40 Ўқувчилар учун. «Ильичнинг жонажон мактаби».
20.00 «Киммерийлардан бири». Симферополдан олиб кўрсатилади.
20.30 «Комсомольская правда» газетаси мукофоти учун. Сузиш бўйича халқаро мусобақа. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.20 Сиёсий билим асослари. КПСС тарихи. «Партия коммунистик қурилишнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси» (1959—1966 йиллар). Учинчи эшиттириш
22.00 В. Ринкевич. «Архимед ҳақида масала». Телевизион спектакль премьераси. Горький шаҳридан олиб кўрсатилади.
23.05 «Голлар, очколар, секундлар». Спорт бир ҳафта ичида.
23.30 Телевизион янгиликлар.
23.55 Музикали маяк.
00.05 Москва эшиттиришларининг охири.

4 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:
17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 **Пионер прожектори.**
Рус тилида:
18.25 Телевизион янгиликлар.
18.40 Меҳнат эстетикаси.
19.00 «ҒАЛАТИ СИНФ». Бадиий фильм.
Ўзбек тилида:
20.30 Телевизион янгиликлар.
20.45 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. **«Қўшиқ дўстимиз».**
21.25 «ОКТЯБРЬ» программаси. В. В. Куйбишев.
21.50 **«Навоий назми тароналари».**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:
17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Ўқувчилар учун **«Тенгдошларинг ижодидан»** деган эшиттириш.
18.20 **«Ленинизм хазинаси».** Ҳужжатли фильм.
18.30 Ўқув эшиттиришлари программаси. Сиртдан ўқиётган студентлар учун. **Олий математика.**
19.35 Рус тилида телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Мактабгача ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Ҳамма иш ҳам яхши».
20.00 «Мамлакат санъати ўқув юртлари». Глинка номидаги Днепропетровск музика мактаби. Днепропетровск шаҳридан олиб кўрсатилади.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.20 Бошланғич сиёсий мактаб тингловчилари учун. В. И. Лениннинг таржимаи ҳоли. «В. И. Лениннинг сўнгги йиллардаги ҳаёти ва фаолияти».
22.00 Интервидение. Бутуниттифоқ санъат ҳаваскорларининг фестивали. «Цитра янграганда». Львовдан олиб кўрсатилади.
22.30 «Катта монолог». В. Каверин трилогияси асосида телеспектакль премьераси. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
24.00 Телевизион янгиликлар.
00.20 Москва эшиттиришларининг охири.

...ШКЕНТ ...ШОМИ 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар. Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — В3-02-49 дан В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари — В3-29-33, В3-29-09; масъул секретарлар — В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — коммутатор орқали 7-81; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — В3-27-57; ахборот бўлими — В3-65-57; эълонлар бўлими — В3-81-42.

...АПРЕЛЬ, 1967 Й. Р. 04178 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр № 2872.